КУТУБХОНАСИ
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 166 (10.219) / 2004 ЙИЛ 27 АВГУСТ

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида

## АХБОРОТ

**26 август куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси бошланди.**



Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи — Котибиятни ташкил этди. Депутат Т.Миркомилов хотирасига бир дақиқа сукут сақланди. Депутатлар сессиянинг кун тартибини тасдиқлади.

Молия вазири С.Раҳимов Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида маъруза қилди. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А.Аҳадов ҳам қўшимча маъруза қилди.

Маърузалар юзасидан бўлган музокараларда Олтинсой тумани ҳокими Р.Алимов, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ректори М.Нормуродов, «Ўзбекгеофизика» очиқ акционерлик жамияти бошқаруви раиси Т.Бобожонов, Хива тумани ҳокими М.Мадаминов, Нарпай тумани «Пахтакор овози» газетаси бош муҳаррири Т.Тошмуродов, Тахтакўпир туманидаги «Тахтакўпир» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси А.Одилов сўзга чиқди.

Давоми 2-бетда.

## ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармонига кўра Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар. Жумладан, Тошкент шаҳридан қуйидагилар Ватанимизнинг юксак мукофотларига мушарраф бўлдилар.**

**Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги катта хизматлари, кўп йиллик самарали меҳнати билан саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилди:**

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

**Большаков Вячеслав Алексеевич** — «Ўзкабель» давлат акциядорлик бирлашмасининг қуювчи-эритувчиси

**Тўлаганов Шавкат Обиджонович** — «Ўзавтосаноат» уюшмаси ташқи иқтисодий алоқалар ва янги ишлаб чиқаришни ташкил қилиш бошқармаси бошлиғи

**Самарали меҳнати ва эришаётган ютуқлари билан мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий қудратини оширишга, шахсий ибрати билан халқимизни, айниқса, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссаси, меҳнатсеварлиги, ватанпарварлиги, жамоат ишларидаги фаоллиги билан умумхалқ иззат-ҳурматига сазовор бўлганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

**Кулматова Дилбар Баратовна** — «Тоштўқимачи» акциядорлик жамиятининг тўқувчилар бригадаси бошлиғи

**Мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ва маданий юксалишига ўзининг истеъдоди, билим ва тажрибаси билан муносиб ҳисса қўшган, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда халқ фаровонлигини оширишда фидойилик намуналарини кўрсатганлиги учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Абдуқодиров Равил Ваҳобович** — Вазирлар Маҳкамаси аппарати раҳбари

**Адҳамов Жалолиддин Раҳматуллаевич** — «12-трест» акциядорлик жамиятининг мармарчилар бригадаси бошлиғи

**Мавлонов Аброр Анварович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учувчилар отряди командирининг ўринбосари

**Нортоев Абдурасул Ҳусанович** — Бектемир туманидаги «Нерудник» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг бульдозерчиси

**Республикамизнинг саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жаҳон андозалари асосида юксалтириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнатлари учун қуйидагилар мукофотланди:**

### «Меҳнат шуҳрати» ордени билан

**Баҳромов Аъзамхон Усмонович** — «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

**Гроза Виктор Иванович** — «В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг йиғувчи-чилангари

**Жалилов Табриз Яхъёевич** — «Фотон» акциядорлик жамиятининг механика цехи бошлиғи

**Мусаметова Набира Раимкуловна** — «Ўзбеккимёмашзавод» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг ишчиси

**Султонов Ёдгор Эркинович** — Шайхонтоҳур туманидаги «159-қурилиш тресті» акциядорлик жамияти 70-қурилиш бошқармасининг монтажчиси

**Убайдуллаев Ботир Ҳусанбоевич** — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси

**Умаралиев Муҳамаджон** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси

**Шоисматов Эргаш Раҳматуллаевич** — «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Давоми 2-бетда.

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хонимни қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон-Япония муносабатларини, Марказий Осиёда интеграция жараёнларини ривожлантириш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

**● Расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хоним раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Содиқ Сафоев билан учрашди**

**● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг аҳволини ўрганиш бўйича Идоралараро ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Мустақиллик байрамининг 13 йиллиги арафасида Навбаҳор туманида янги пахта тозалаш заводининг биринчи навбати қурилиши ниҳоясига етди.**

**● Оҳак қазиб олиш ва қайта ишлашга ихтисослашган «Карбонат» очиқ турдаги акциядорлик жамияти Дўстлик тумани марказидаги Муқимий номли 15-мактабга 2 миллион 600 минг сўмлик компьютер жамланмаси совға қилди.**

**● Қўнғиротда янги замонавий санаторий-профилакторий фойдаланишга топширилди. «748-қурилиш-монтаж поезди» масъулияти чекланган жамият қурувчилари томонидан бунёд этилган мазкур масканда бир вақтнинг ўзида юз киши ҳордиқ чиқаради.**

### Жаҳонда

**● Венгрияда янги бош вазир этиб 43 ёшли бизнесмен, илгари спорт ишлари вазири курсисини эгаллаб келган Ференц Дьюршани сайланди. Ф.Дьюршани мухолифат партияларнинг норозилиги туфайли истеъфо берган Петер Медьеши ўрнини эгаллади.**

**● Россия Федерациясининг Тула ва Ростов вилоятларида ҳалокатга учраган ва 88 нафар киши ҳаётдан кўз юмган икки самолётнинг фожиа сабабларини ўрганилмоқда. Шу муносабат билан кеча Россияда мотам куни деб эълон қилинди.**

**● Нобель фонди вакиллари мазкур нуфузли мукофот соҳибларини эълон қилиш муддати ва мукофот учун тўланадиган маблағ қийматларини билдиришди. Бу йил Нобель мукофотининг қиймати 10 миллион швед кронини ташкил этади.**

**● Яман махсус хизматлари томонидан қўлга киритилган маълумотга кўра, террорчилар мамлакатнинг денгиз портларида ҳужум уюштиришни режалаштирмоқда.**

**● Ироқ жангарилари мамлакат мудофаа вазири Ҳазим ал-Шаланнинг икки қариндошини гаровга олди.**

*Олимпиада-2004*

## ГРЕЦИЯДА ЮРТИМИЗ МАДҲИЯСИ ЯНГРАДИ!

**Афинада ўтаётган ёзги олимпиаданинг ўн тўртинчи куни спортчимиз олтин медални қўлга киритиб барча юртдошларимизни хушнуд этди.**

Ҳа, халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистон чемпиони, Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати совриндори, Европа чемпиони ва шу йилги қитъа чемпионлигини қўлга киритган Александр Дохтурашвили мамлакатимиз спортчилари орасида энг кучлилар сирасига кирсада, бироқ қурраи заминнинг қўплаб номдор полвонлари йиғиладиган, галаба қозониш жуда қийин бўлган юнон-рум кураши баҳсларида зафар қучиш осон эмасди.

Шу ерда ўринли савол туғилиши мумкин: мулкисуу мутахассислар Александрнинг ғалаба қозонишига қачон ишонч ҳосил қилдилар? Гап шундаки, XXVIII олимпиада ўйинларида ҳамюртимиз учун энг оғир беллашув ярим финалда россиялик Вартерез Самурғашев билан кечди. Сидней олимпиадаси ғолиби, икки карра жаҳон чемпионидек тажрибали спортчини енгиш ўта оғир вазифа эди ва уни курашчимиз аъло даражада уддалади. Олимпиада чемпиони 3:2 ҳисобида мағлуб этилган онлар мухлислар ёдидан узоқ вақт кўтарилмаса керак.

Ушбу жажойиб, бетимсол ғалаба Александр Дохтурашвили учун финалга йўл очди. Бу гал унга финляндиялик олимпиаданинг бронза медали соҳиби бўлган, жаҳон чемпионатларининг 2 карра кумуш нишон совриндори Марко Йли-Ханнуксела рўбарў келди.



Албатта, ҳал қилувчи беллашувларда дастлабки, дақиқаларданоқ рақибини кетма-кет ҳужумлар билан эсанкиратиб қўйиш яхши натижа беради. Александр беллашувнинг биринчи ярмида 4:1 ҳисобида устун келди. Қолган вақтда 2 марта партер ҳолатига тушган бўлса-да, бироқ ташаббусни қўлдан бермай юқоридаги ҳисобда ғалаба қозонди.

Халқаро Олимпия Қўмитаси ижроия қўмитаси аъзоси, олимпиада чемпиони Антон Гессинг юртдошимиз кўкрагига олтин нишонларни тақиб қўйгач, кураш зали узра давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз мағрур ҳилпираган онлар ўзбек спортининг яна бир оламшумул тантанасига айланиб кетди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

# ВАТАННИНГ ЮКСАК МУКОФОТЛАРИ МУБОРАК!

Давоми. Боши 1-бетда.

**Ватанимизда яшаётган барча миллат ва элатлар вакиллари ўртасида ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари, иқтисодий-ижтимоий соҳалар ва бошқарув идораларидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати билан юртимиз тараққиётига қўшган самарали ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:**

## «Дўстлик» ордени билан

**Одилова Ҳолида Қаюмовна** — «Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамияти метиз ишлаб чиқариш корхонаси созловчиси

**Биюнова Муҳаббат Авазовна** — Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг бош ҳисобчиси

**Ворисов Азизжон Кенжабоевич** — Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекс котибияти мудири

**Ғуломов Жалолиддин Ҳайруллаевич** — «В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўйича директори

**Жумаев Содиқ Розиқович** — Вазирлар Маҳкамасининг Кадрлар шўъбаси бош мутахассиси

**Дьячко Анатолий Аркадьевич** — «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниясига қарашли шўъба корхонаси устаси

**Зулунов Зафаржон Аҳмаджонович** — «Ўз-Донг Жу Пэинт КО» компаниясининг бош директори

**Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

**Клименко Александр Ильич** — «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари — «Қўмир» акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси

**Кузнецов Георгий Анатольевич** — «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компаниясининг «Автомагистрал» кўприклардан фойдаланиш бўлими бошлиғи

**Любар Роман Григорьевич** — Мирзо Улуғбек туманидаги «SANIPLAST» қўшма корхонаси директори

**Маҳмудхўжаев Фурқат Сиддиқхўжаевич** — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлимининг раиси

**Сулаймонова Раушан Тураровна** — Чилонзор туманидаги «Совпластитал» қўшма корхонаси директорининг ишлаб чиқариш масалалари бўйича ўринбосари

**Тўхтабоев Рустам Асқарович** — Ташқи ишлар вазирлиги ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи

**Файзуллаев Раҳматулла Қудратович** — Миробод туманидаги С.Қ.Исломбеков номли «Ўзкимёфарм» очиқ акциядорлик жамиятининг созловчи-чилангари

**Хўжаев Турсун Акбарович** — «Тошшаҳарнур» давлат унитар корхонасига қарашли «Махсуснур» шўъба корхонасининг етакчи муҳандиси

**Ўз меҳнат фаолияти билан ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларини ривожлантиришга, ислоҳотларнинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотланди:**

## «Шуҳрат» медали билан

**Обидов Иброҳим Бориевич** — Чилонзор туманидаги «Алгоритм» акциядорлик жамиятининг созловчиси

**Акмалов Зухриддин Мажитович** — Шайхонтоҳур туманидаги «Турон-марказ-қурилиш» акциядорлик жамияти 4-қурилиш бошқармасининг монтажчилар бригадаси бошлиғи

**Акромиддинова Алефтина Абдулбориевна** — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раҳбарияти ва унинг Котибияти қошидаги аппаратнинг катта референти

**Орипжонов Иноғомжон Икромович** — Иқтисодиёт вазирлиги инвестиция дастурларини шакллантириш ва мониторинг бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Орипов Муроджон Обитович** — «Сувсоз» трести давлат унитар корхонасининг чилангари

**Астапенко Геннадий Армаисович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг токари

**Бегимқулов Дониёр Бўронович** — Вазирлар Маҳкамаси Умумий бўлимининг етакчи мутахассиси

**Брянцев Олег Антонович** — «Енгилметаллқурилмалари заводи» акциядорлик жамиятининг бўлим бошлиғи

**Габриелова Вера Петровна** — «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасининг баҳолаш ва смета ишлари бўйича бош мутахассиси

**Ғуломов Тоҳир Иномжонович** — «Тошкент иссиқлик электр маркази» очиқ акциядорлик жамиятининг чилангари

**Ерёмин Александр Васильевич** — Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси геология-қидирув ишлари техникаси ва технологияси бошқармаси бошлиғи

**Завьялов Григорий Анатольевич** — «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» очиқ акциядорлик жамияти меъморчилик-қурилиш бўлимининг лойиҳа бош меъмори

**Иноғомова Карима Фотиҳовна** — Шайхонтоҳур туманидаги «Эшонгузар» маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар комиссияси раиси

**Эсонбоев Йўлдошбой** — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки эмиссия-касса операциялари департаменти директори

**Эшонов Раҳимжон Рустамович** — Ўзбекистон Карлар жамиятига қарашли ўқув ишлаб чиқариш корхонаси лак-бўёқ цехининг бригада бошлиғи

**Каримов Ёқубжон Эшмуродович** — «Тошкент иссиқлик электр станцияси» очиқ акциядорлик жамиятининг катта машинисти

**Қосимов Александр Сергеевич** — «Тошиссиқликқуввати» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Миробод туман бошқармаси бошлиғи

**Лепешева Бэлла Ицковна** — Молия вазирлигининг ижтимоий соҳа ва фанни молиялаштириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўлими бошлиғи

**Мамараимова Насиба Ёдгоровна** — Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг бўлим мудири

**Маҳкамова Фотима Долматовна** — Мирзо Улуғбек туманидаги 3-трамвай-троллейбус депосининг трамвай ҳайдовчиси

**Николаева Роза Сергеевна** — «Тошқишлоқмаш» акциядорлик жамиятининг қолипловчиси

**Ниёзова Раҳима Холматовна** — Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги молия-иқтисодиёт бошқармасининг бош мутахассиси

**Орипов Шуҳрат Орипович** — Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг эксперти

**Расулова Клара Шодмоналиевна** — «Ўзбекэнерготаъмир» очиқ акциядорлик жамиятининг ишчиси

**Романцова Вера Петровна** — Яккасарой туманидаги «Барака Олам» қўшма корхонасининг бош технологи

**Усмонов Абдукарим Сулеевич** — «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компаниясининг бўлими бошлиғи

**Федорова Найла Хамлаевна** — «Кўприкқурилиши тресті» 13-кўприк-қурилиш отрядининг арматурачиси

**Хабиров Раҳматулла Саъдуллаевич** — Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибидаги «СувГео» Тошкент илмий-текшириш институти директори

**Ҳайитов Аҳмад** — «Нуроний» хайрия жамғармаси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари — ижрочи директори

**Хўжаев Даврон Қўчқорович** — Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг Протокол хизмати ва аккредитация бошқармаси бошлиғи

**Цой Марианна Ивановна** — Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки кредитлаш бош бошқармасининг экспорт-импорт операцияларини молиялаш бошқармаси бошлиғи

**Юсупова Қундуз Расуловна** — Мирзо Улуғбек тумани ободонлаштириш бошқармасининг бўлим бошлиғи.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси тўғрисида

# АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда.

Мазкур масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари депутатларнинг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш ва ижроси масалалари ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратди. Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжати амалга оширилганда қандай натижалар беришини халқимиз билиши керак. Бизга умумий гаплар эмас, фуқароларнинг турмушини яхшилаш, энг муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал этишга қаратилган аниқ прогнозлар керак. Бундай вазифалар қаторида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўрин тутади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрларини асосан маъқуллади ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

«Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси М.Умаралиев депутатлар эътиборига тақдим этди. Мазкур қонун лойиҳаси муҳокамасида Сариосиё тумани ҳокими П.Мадиев, «Совпластитал» қўшма корхонаси бош директори А.Мелкумов, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров, «Наманганга‍з» ҳудудий газ таъминоти корхонаси санаторий-профилакторийси директори З.Тожибоев, «Андижондонмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси раиси Б.Жалолов иштирок этди.

Олий Мажлис «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда сессия эътиборига ҳавола этди.

Ушбу масала юзасидан Тошкент молия институти ректори М.Шарифхўжаев, Олий Мажлиснинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари И.Ғафуров, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳокими А.Мажидов, «Наманганирқурилиш» тресті бошқарувчиси Ш.Матмусаев, «Ўзгеобурнефтгазқазибчиқариш» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродов сўзга чиқди.

Олий Мажлис «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунни маъқуллади ва уни жорий қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Парламент сессияси биринчи иш кунининг кечки мажлиси янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан Олий Мажлиснинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси ўринбосари Б.Олимжоновнинг маърузаси билан бошланди.

Бувайда тумани ҳокими Б.Тўрақулов, Наманган вилоятидаги «Осиё» агрофирмаси бош директори Н.Курбонбоев, Томди тумани ҳокими А.Назаров, Шаҳрихон туманидаги А.Саримсоқов номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси У.Бозорбоев, Хўжайли тумани деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ваколатхонаси раиси Х.Шерибоев бу ҳужжат бўйича ўз фикрини билдирди.

Парламент янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунни ва уни жорий қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

«Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов сессия эътиборига тақдим этди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси директори Ў.Неъматов, «Фарғонанефттехкимёмонтаж» масъулияти чекланган жамият бошқаруви раиси Р.Жалилов, Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори И.Бойжонов, академик ва халқ-бадиий жамоалар дирекцияси директори Ў.Саиджонов, Оқдарё туманидаги Мирзо Улуғбек номли 2-мактаб директори Ж.Исроилов сўзга чиқди.

Олий Мажлис «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги қонун ва уни жорий этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини биринчи ўқишда сессияда кўриб чиқиш учун тақдим этди.

Қонунлар лойиҳалари муҳокамасида Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, Шаҳрихон шаҳридаги «Ривож» хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари К.Отахонов, Ургут тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Бухороёғ» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси М.Зайниев, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова иштирок этди. Депутатлар ушбу қонунлар лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллади.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 27 август куни ўз ишини давом эттирди.

# «Даврни белгилаб берган Инсон»




**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси академик Мурод Шарифхўжаев ва юридик фанлари доктори Фахри Раҳимовнинг Москвадаги «Труд» газетаси Китоблар уйи томонидан шу йил бошида чоп этилган «Человек, определивший эпоху» китобини «Даврни белгилаб берган Инсон» номи билан кўпминг нусхада ўзбек тилида нашр этди.**

Ўзбекистон истиқлолининг 13 йиллигига бағишланган, муаллифларнинг сўнгги йилларда Россиянинг «Труд» газетасида чоп этилган мақолаларидан таркиб топган мазкур китобда мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари илмий-публицистик тарзда ифода этилган.

Унда мустақил давлатимиз асосчиси Президент Ислом Каримовнинг сиёсий-назарий қарашлари, давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг ўзига хос қирралари очиб берилган.

Китобнинг «Даврни белгилаб берган Инсон», «Асрларга тенг йиллар», «Бозор сари йўл», «Ҳуқуқий давлат», «Ижтимоий давлат», «Фуқаролик жамияти сари» бўлимларида мамлакатимиз танлаган тараққиёт моделининг стратегияси, миллий давлатчиликнинг конституциявий асослари, бозор иқтисодиётига ўтишнинг тадрижий йўли, аниқ мақсадга йўналтирилган кучли ижтимоий сиёсат чуқур таҳлил этилган.

Шунингдек, китобда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда юксалиб бораётган обрў-эътибори, Юртбошимизнинг мамлакатимиз ва минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашдаги қатъиятига алоҳида эътибор қаратилган. Миллий истиқлол мафкурасининг шаклланиш жараёнлари ва босқичлари атрофлича ёритилган.

**ЎзА**

*Мустақиллик — тақдиримда*

# БИЗНИНГ ҲАМ ҲИССАМИЗ БОР

13 O'ZBEKISTON

**● Собир НИШОНОВ, «Дўстлик» ордени соҳиби:**

— Бугун Мустақиллигимиз ҳақида ҳар қанча гапирсак, ҳар қанча фахрлансак арзийди. Истиқлолнинг 13 йиллиги арафасида ортимизга назар ташлар эканмиз, ўнлаб йилларга татигулик ўзгаришлар, янгиланишлар, юртимизнинг гуллаб-яшнаётганлиги қалбларимизда фахр туйғусини уйғотиб, мана шундай муваффақиятларга ҳисса қўшиш учун иштиёқ билан меҳнат қилишга ундайди.

Биргина бунёдкорлик ишлари кўлами хусусида тўхталадиган бўлсак, мамлакатимиз, пойтахтимиз чиройи таниб бўлмас даражада ўзгача қиёфа касб этди. Бу борада Истиқлол барча қатори эрк берган, янгиликлар яратишга, изланишга ундаган лойиҳачи-меъмор, толмас қўлли бунёдкорларимизнинг ҳам ҳиссаси беқиёсдир. Шу билан бир қаторда тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги, кичик ва хусусий бизнес ривожига берилган катта эътибор ўзимизда бунёдкорлик ишлари учун зарур сифатли ва рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи қурилиш ашёлари ишлаб чиқариш имкониятини берди. Хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда замонавий ускуналар ёрдамида тайёрланаётган ана шундай қурилиш материаллари бунёдкорлик ишларида, тез ва соз, сифатли ва мустаҳкам қуришда муносиб ўринга эга.

Жамоамиз аҳли ҳам мустақиллик йилларида зиммаларидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда юртимиз ободончилигига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Пойтахтимизда қад ростлаётган равон йўллар ва жаҳон андозалари даражасидаги мустаҳкам кўприклар қуришда бизнинг «Тошшаҳарйўлкўприлиштаъмир» трестига қарашли умумтехнологик ишлаб чиқариш бошқармаси жамоасининг 450 нафарлик ишчи-хизматчилари ҳам цехларимизда тайёрлаётган махсулотларимиз билан фаол иштирок этаяпмиз. Мустақиллик шарофати билан шаҳримизда транспорт воситалари учун яратилаётган жуда катта қулайлик — Кичик ҳалқа йўли қурилишида корхонамиз маҳсулотларидан кенг фойдаланилмоқда. Ўтган йилларда унинг барча навбатларининг бунёдкорлик ишлари, тез ва соз қурилишида, вақтида фойдаланишга топширилишида ҳар бир имкониятдан унумли фойдаландик. Шу билан бирга жонажон шаҳримиздаги ободонлаштириш ишларининг барчасида маҳсулотларимиздан унумли фойдаланилади.

Мустақилликнинг илк йилларида менга юксак ишонч билдирилиб, корхонага раҳбар этиб тайинлашди. Мустақилликнинг ўтган йилларида эса сифатга алоҳида эътибор қаратдик, натижада буюртмаларимиз сони ортди, ишчиларимизнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратдик. Маҳаллий хом ашёдан сифатли ва рақобатбардош маҳсулот тайёрлашни мақсад қилиб қўйганмиз. Бу борада мавжуд техникалар унуми, мутахассислар изланишлари, ишчиларимиз куч-ғайратидан самарали фойдаланаяпмиз.

Ўтган йилда жамоа аҳли менга юксак ишонч билдирганидан бениҳоя қувондим. Меҳнатларим муносиб баҳоланиб, «Дўстлик» ордени билан тақдирландим. Мукофот куч-ғайратимни янада юксалтирди, эл-юрт равнақига кўпроқ ҳисса қўшишга ундади. Шу кунларда корхонамизга янги замонавий агрегатлар олишни режалаб турибмиз. Яратиш, яшнатиш, обод этиш ишларига муносиб ҳисса қўшар эканмиз, ҳамиша дилимизда мустақилликни мустаҳкамлаш, уни авайлаб-асраш, она-Ватанга садоқат ишқи барқ уради. Ана шундай иштиёқ билан яшаганга нима етсин!



# ҚЎЛИ ГУЛ ОБОДОНЧИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

**Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси тизимида Марказий майдонлардан фойдаланиш махсус бошқармаси мавжуд бўлиб, бошқармага ҳудуди 279 гектар бўлган пойтахтимиздаги 22 та хиёбон, мажмуа ва бошқа йирик майдонлар бириктирилган бўлиб, уларда фаолият юритади.**

Ушбу майдонларда чўлларни бўстонга айлантирадиган касб эгалари томонидан гул ва дарахтлар экиш, панжараларни бўяш, кичик механизациялар ёрдамида майсазорларни ўриш, ариқларни тозалаш, йўлкаларни таъмирлаш, дарахтларга шакл бериш ва бўяш каби ишлар амалга оширib келинмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Давлат консерваториясида пойтахтимизни гуллар шаҳрига айлантириш, юртимизга ташриф буюрган сайёҳларда унутилмас таассуротлар қолдириш йўлида самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ ишчи-ходимлар Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси таъсис этган Фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Баҳодир АЗИЗОВ**

**СУРАТДА: тақдирлаш маросимидан лавҳа.**









*Август кенгашлари*

# ПЕДАГОГЛАРНИНГ МЕТОДИК МАҲОРАТИ ОШИРИЛАДИ

**Мустақиллигимизнинг 13 йиллик байрами арафасида шаҳримизда халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашлари юксак савияда ўтмоқда.**

Куни кеча шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 102-ўрта мактабда ҳам туман халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгаши бўлиб ўтди. Ушбу анжуманга тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларининг раҳбарлари, туман халқ таълими бўлими вакиллари иштирок этишди.

— Ҳар йилги анъанага кўра, халқ таълими ходимларининг бу йилги Август кенгашининг шўъба йиғилиши ҳам ўзига хос тарзда семинар-тренинг йўсинида ўтказилмоқда, — дейди 102-ўрта мактаб директори Махфират Асомова. — Мазкур Август кенгашида ўтган ўқув йилидаги ишлар сарҳисоб қилиниб, янги ўқув йилидаги мақсад, вазифалар белгилаб олинади. Ўтган йилги семинар-тренинг мавзулари Республика таълим маркази томонидан берилган тавсия асосида ташкил қилинган эди. Бу йил ҳам ушбу тавсияга ҳамда тумандаги илғор таълим муассасаси раҳбарлари иш тажрибасига таянилади. Улар ўз иш тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда бугунги семинарда белгиланган мавзуларни ёритишга ҳамда муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашадилар. Мазкур анжуманга Шайхонтоҳур тумани халқ таълими ходимлари катта тайёргарлик кўришди. Бугунги йиғилишда таълим муассасаси раҳбарлари 6 шўъбага бўлинган ҳолда «Таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёни ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида маркетинг тизимини такомиллаштиришни давом эттириш», «Педагогларнинг методик маҳоратини ошириш, жамоада соғлом муҳитни шакллантириш таълим-тарбия самарадорлигининг гаровидир», «Ўқувчиларни жисмоний, ақлий, маънан ва руҳан ривожлантиришда муассаса раҳбарларининг ўрни», «Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда мактабгача таълим муассасаларининг маҳалла, оила, мактаб ҳамкорлиги» сингари мавзуларда икки кунлик тренинглар олиб боришади. Йиғилиш якунида шўъба аъзоларининг ўтказилган тренинглар бўйича фикр мулоҳазалари муҳокама қилиниб, тавсиялар қабул қилинади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда жамиятимизда таълим-тарбияни тубдан ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Айниқса, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга кенг татбиқ этиш, таълим сифати ва самарадорлигини, таълим муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш энг долзарб вазифалардан саналади.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур туманидаги 102-ўрта мактабда бўлиб ўтган туман халқ таълими ходимларининг анъанавий Август кенгашидан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

## АХБОРОТ БОЗОРИДАГИ ЯНГИ ХИЗМАТ

**Мамлакатимиз Мустақиллигининг ўн уч йиллик байрами арафасида пойтахтимизда яна бир қўшма корхона — «East Telekom» Ўзбекистон-Британия—Россия қўшма корхонасининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик, ташкилот ва идоралар, хорижий давлатларнинг элчихоналари, фирма ва компаниялари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Тадбирда мамлакатимизда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бугун мамлакатимиз ахборот ва телекоммуникация бозорида ўз хизматини таклиф қилаётган ўнлаб компанияларнинг фаолият юритаётгани туфайли бу борада соғлом рақобат муҳити юзага келди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майда эълон қилинган «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. «East Telekom» қўшма корхонасининг очилиши 2003-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилаётган ишлар сирасига киради.

«East Telekom» қўшма корхонаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб мижозларга NGN - алоқанинг янги турини - видео-телефон, видео-интернет, тезкор ахборот ресурслари хизматидан фойдаланиш имконини яратди.

Тақдимот маросимида замонавий ахборот ва телекоммуникация воситалари хизматининг мазкур янги турлари намойиш этилди.

*31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни*

## СИЗНИ УНУТМАЙМИЗ, АЗИЗЛАР!

**Инсоннинг руҳий оламидаги энг гўзал ва ғаройиб кечинмалардан бири хотирлашдир. Умр ўтар экан, кечинган қарийб ҳар бир йил, ҳар бир кун, ҳар бир соат беиз кетмайди. Улар қандайдир воқеалар, учрашувлар, кимларнинг ширин ё аччиқ сўзлари туфайли инсон миясининг қатламларига, худди видеотасмаларга муҳрланганидек, бир умрга жойлашиб олади. Инсоннинг руҳий бойлиги ана шу хотира қатламларидаги эзгуликнинг рангин суратлари билан белгиланади.**

Ҳар бир инсон ўзи учун азиз бўлган кимсаларни эслаш, улар руҳига ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг олижаноб фазилатлари ва хайрли ишларидан ибрат олиш йўли билан инсоний қиёфасини намойиш этиб, шу руҳий жараёнда покланиб яшайди.

Биз ҳар йили Қатағон қурбонларини ёд этиш кунида шу кунларга етиб келмаган, аммо Ватан ва халқ меҳри билан яшаб мустабид тузум қаҳрила ҳаётдан кўз юмган одамийлик фазилатлари машъала сингари ҳамон кўз олдимизда порлаб турган аждодларимиз руҳига ҳурмат билдириб, уларни ёд этиб келамиз.

Ватанпарварлик — ҳар бир фуқаронинг фарзандлик бурчи. Инсоннинг қанчалик ақл-идрок, тафаккур билан йўғрилгани аввало, унинг Ватанга бўлган муносабатида бўй кўрсатади. Ватанга муҳаббат фақат Ватан ҳақидаги қўшиқларни куйлаш, Ватан ҳақида ширин хаёлларга боришгина эмас. Ватанга муҳаббат унинг ҳар бир қарич тупроғи муқаддас эканини юракдан ҳис қилиш, бало-қазолардан асраш, ҳатто йилдан-йилга заҳираси озайиб бораётган ичимлик сувини кўз нуридек тежаш, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва техник тараққиёти йўлида саъй-ҳаракат қилиш, фидойилик кўрсатишдир. Ватанга муҳаббат ҳар қандай шахсий хою-ҳаваслар ва шахсий манфаатдан бениҳоя юқори турувчи мўътабар туйғудир.

Бундай туйғу октябрь тўнтаришидан кейин ўз мустақил давлатни барпо этишга уринган, шўролар давлатининг ўзбек халқи бошини силайдиган давлатлардан эмаслигини сезган Маҳмудхўжа Беҳбудийда, Мунаввар қори Абдурашидов бошлиқ миллий иттиҳодчилар-да, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий сингари адабиётимизнинг порлоқ юлдузларида бисёр бўлган. Бу буюк сиймолар собиқ шўролар давлатининг ўқяроғлари уларни мўлжалга олиб, қамоқхона ва азобгоҳлари эса уларга эшик очиб турганига қарамай, ҳуррият, миллий истиқлол ва тараққиёт учун қаҳрамонларча кураш олиб бордилар. Улар учун шахсий ҳаёт тушунчаси Ватан ва ватанпарварлик тушунчалари олдида гёдек эриб кетган.

Бу ажойиб сиймолар сафида давлат ва жамоат арбоблари билан бирга оддий кишилар ҳам бўлганлар. Улар ҳам Ватан туйғуси билан йўғрилганлари учун Ватанимиз ва халқимизнинг озод ва обод келажаги йўлида жон фидо қилганлар.

Тергов ҳужжатларида айтилишича, Файзулла Хўжаев ҳатто Москвага Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Кенгаши раиси сифатида борган кезларида ҳам шўролар давлатининг ғайримиллий сиёсатини ҳар қадамда сезиб, иттифоқо шу вақтда собиқ пойтахтда бўлган Қори Ёқубовга Фитратнинг кураш ғоялари билан суғорилган қўшиқларини айттирар ва шу йўл билан қалбига чўккан ғуборларни тарқатар экан.

Кунларнинг бирида у Тошкентдаги уйида дўст-ёрлари билан суҳбат қуриб, дафъатан қалб жароҳатларини очиб юборади. Сўнг чеккага чиқиб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайди. Бу кутилмаган воқеадан мутаассир бўлган онаси ўғлининг қошига келиб: «Нима бўлди?» Нега йиғлаяпсан? Шундай катта юртнинг подшоси ҳам йиғлайдими?» деб сўрайди. Шунда Файзулла Хўжаев: «Она, сен подшони эмас, қулни туққан экансан! Мен шўронинг қулиман, менда инонихтиёр йўқ! Мамлакатим жилови менинг қўлимда эмас!..» деб йиғи аралаш онасига жавоб беради.

Файзулла Хўжаевдек давлат арбобининг бу йиғиси ватанпарвар инсон қалбининг фиғонидир.

Мустамлакачилик йилларида дарду аламларини ичларига ютиб яшаган бундай сиймоларимиз оз бўлмаган.

Келинг, яхшиси, Қатағон қурбонларини ёд этиш куни арафасида ўтган ажойиб аждодларимизни Қуръон сўзлари билан, ҳурмат ва иззат сўзлари билан ёд этиб, бир нафас сукут сақлайлик.

Сизни унутмаймиз, азизлар! Сиз бизларнинг қибланомамизсиз! Биз сизларнинг ватанпарварлик анъаналарингизга ҳамиша содиқ қоламиз!

**Наим КАРИМОВ,**
**Филология фанлари доктори**





*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

## МЕҲР ҚОЛУР...

**Фидокорлар миллий демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ташаббуси билан Республика кар-соқовлар жамияти спорт клубида Ўзбекистон Мустақиллигининг 13 йиллигига бағишлаб меҳр-мурувват тадбири ўтказилди.**

Меҳр-мурувват акциясида 30 нафар ногирон спортчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Шу куни Фидокорлар миллий демократик партияси Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар Кенгаши яна бир хайрли ишга қўл урди. Партия фаоллари Тошкент шаҳридаги уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб, боқувчисини йўқотган кекса отахон ва онахонлар ҳолидан хабар олиб, уларга эсдалик совғаларини топширдилар.

— Қутлуғ байрам арафасида қарияларимизга меҳр-мурувват кўрсатилганидан бениҳоя шодмиз, — дейди пансионат раҳбари Рустам Бекнозов. — Мана бугун отахону онахонларимизга совғалар улашилди, концерт дастури намойиш этилди, дастурхонга ош тортилди. Умид Аҳмаджонов каби саховатли тадбиркорлар бор экан, мана шундай ўксик кўнгилларни кўтариш, шикаста дилларга қувонч бахш этиш йўлидаги мурувват тадбирлари давом этишига шубҳа йўқ.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА:** ўтказилган хайрия тадбирларидан лавҳалар.

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 13 йиллиги байрамини нишонлаш муносабати билан 2004 йилнинг 31 август куни соат 13.00 дан 22.00 гача ва 2004 йилнинг 1 сентябрь куни соат 7.00 дан 22.00 гача барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати вақтинча чекланиши режалаштирилган кўчалар**

### РЎЙХАТИ:

- Навоий кўчаси — Хадра майдонидан А.Темур кўчасига қадар;
- У.Юсупов кўчаси — Навоий кўчасидан Хуршид кўчасига қадар;
- А.Темур кўчаси — А.Темур хиёбонидан А.Навоий кўчасига қадар (жамоат транспорти қатновига А.Қодирий кўчасидан Шаҳрисабз кўчасига қадар рухсат берилади);
- Пушкин кўчаси — А.Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
- Мусахонов кўчаси — А.Темур хиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
- Охунбобоев кўчаси — А.Темур ҳиёбонидан Шаҳрисабз кўчасига қадар;
- Мовароуннаҳр кўчаси — Матбуотчилар кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;
- Т.Шевченко кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Яккачинор кўчасига қадар;
- Буюк Турон кўчаси — Сулаймонова кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар;
- Ш.Рашидов кўчаси — Хуршид кўчасидан Кунаев кўчасига қадар;
- Ўзбекистон кўчаси — Фурқат кўчасидан Мовароуннаҳр кўчасига қадар;
- Афросиёб кўчаси — Буюк Турон кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар;
- Т.Тўла кўчаси — Олмазор кўчасидан Ўзбекистон кўчасига қадар;
- Абай кўчаси — Зулфияхоним кўчасидан Т.Тўла кўчасига қадар;
- Арпапоя кўчаси — Олмазор кўчасидан Абай кўчасига қадар;
- Ўқчи кўчаси — Фурқат кўчасидан Абай кўчасига қадар;
- Ю.Ражабий кўчаси — Ходжикент кўчасидан Афросиёб кўчасига қадар.

Хадра ва Халқлар дўстлиги майдонлари, Авиасозлар ва Темирйўлчилар саройлари, Ўзбекистон Миллий боғи, М.Улуғбек, Ғ.Ғулом, Бобур, А.Икромов номли истироҳат боғлари, Ибн Сино номли гузар, Сирғали дам олиш маскани, Красницкий номли ва Талабалар шаҳарчасидаги «Ёшлик» ўйингоҳлари ҳамда Улуғбек хиёбонига туташ кўчаларида халқ сайли вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатновини тўхтатишга рухсат этилади.

Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга ҳаракатланишни чегаралаш кўзда тутилган.

**«Ўздавцирк» республика бирлашмаси Тошкенбой Эгамбердиев номидаги Тошкент Давлат цирки**

## «Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси

Тошкенбой Эгамбердиев номли Тошкент Давлат цирки
**Москва циркининг хайрлашув гастроллари**
Ҳинд филлари ўргатувчи Россияда хизмат кўрсатган артист Юрий Дуров
Иллюзион ўйинлар устаси Россия халқ артисти Кох Кунес

Томошалар: 30, 31 август кунлари соат 12:00, 18:00 да бошланади
1, 4, 5, 11, 12 сентябрь кунлари 12.00, 18.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида сотилмоқда. Ҳақ ҳар хил шаклда тўланиши мумкин.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.
**Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-29-04, 144-32-23.**

Шарқ дурдоналари

## Ўз-ўз ўрганиб домо бўлур...

● Айтишларича, Гилон шаҳрида бир бадавлат киши бўлиб, у чироғ ёғи сотиш билан шуғулланар ва бундан катта даромад ҳосил қилиб, бойиб кетган эди. У пул топишга бўлган ҳирсининг баландлигидан хизматчисига:

— Ёғни ўлчаб бераётган пайтингда идиш ичига бош бармоғингни тиқиб тур, шунда анчагина ёғ бизнинг фойдамизга қолади! — деб ўргатар эди.

Хизматчи эса унга:

— Эй, хожа, бундай қилганда эл ҳақига хиёнат бўлади! Бундай усул билан топилган ҳаром молнинг касофатига барча молингдан айрилиб қолишинг мумкин! У пайтда афсус-надоматнинг фойдаси бўлмайди! Бармоқни ёғга суқиб, бир неча томчи ёғни уриб қолишдан қанчалик фойда топишинг мумкин?! — дерди.

Хожанинг жаҳли чиқиб:

— Эй беақл, бу савдогарликнинг сири, савдогарлар озгина нарсанинг ҳам баҳридан ўтмаслиги зарур. Шунинг учун ҳам донолар: «Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» дейишган! — дерди.

Софдил хизматчи эса унга жавобан:

— Эй хожа, донолар: «Ҳаром мол вафо қилмайди, куни келиб сувдек дарёга оқиб кетади» деб айтадилар, буни ёдингда тут! — дерди.

Хожа унинг гапига қулоқ солмаса, ўз айтгани бўйича йўл тутишни хизматчидан қаттиқ туриб талаб қиларди. Хизматчи ҳам ноилож унинг айтгани бўйича савдо қиларди.

Кунларнинг бирида хожа ўзга бир шаҳарда чироқ ёғи жуда қиммат эканлиги ҳақида хабар топиб, ўз шаҳрида туппа-тузук пул топиб туришига қарамай, ўша шаҳарга дарё орқали ёғ олиб бормоқчи бўлди. Барча пулини сарфлаб, мингдан ортиқ идишга ёғ солиб, дарё сафарига чиқди. Ногоҳ дарёда шамол кўзғалди. Маллоҳ (матрос)лар унга:

— Эй хожа, агар азиз жонингдан умидинг бўлса, ёғларни тўкиб кемани енгиллат: Акс ҳолда барчамиз ҳалок бўламиз дейишди. Жонидан қўрққан хожа барча ёғни тўкишга мажбур бўлди. Кетган харажати ва пули учун жони ачиб, кўзларидан ёш тўкди. Софдил хизматчи унинг ёнига келиб:

— Эй, хожа, бармоқлаб уриб қолмаганингда идишлаб тўкмас эдинг! — деди.

Кема юкдан бўшаб, шамол ҳам тингач, хожа бор шудидан айрилгани учун юз кўзига уриб юборган сари фиғони кўкка чиқа бошлади. Хизматчи эса унга:

— Сўнгги пушаймон ўзингга душман, қатралаб ҳаром йиғмаганингда шу аҳволга тушмас эдинг! — деди.

«Бармоқлаб урма, идишлаб тўкмайсан» деган мақол ўша кундан қолган.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Миробод туман 2-сонли давлат нотариал идора нотариуси Бўривой Деҳқонович Миралимовга онаси **Тозагул МИРАЛИМОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Собир Раҳимов туман 3-сонли давлат нотариал идора нотариуси Нилуфар Ҳикматовна Зуфаровага отаси **Ҳикмат ЗУФАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

*Бўш вақтингизда*

# КРОССВОРД



**Жавоблар бешта ҳарфли сўзлардан иборат бўлиб, чизмада қаторлар ва устунлар бўйича «занжир» ҳолида ёзилади.**

**Энига:** 9. Биринчи ўзбек овозли фильми. 10. Мумтоз мусиқа асари. 11. Жун газлама. 12. Орзу. 13. Насрий асар тури. 14. Тўшама жиҳоз. 15. Сопол идиш. 16. Бўй-баст. 25. Бирор нарса ҳақида аввалдан чиқарилган тахминий хулоса. 26. Француз футболи юлдузи. 27. Э.Воҳидовнинг «Олтин девор» асари қаҳрамони. 28. Тасвирли жумбоқ. 29. Ўзбек халқ рақс куйи. 30. Тараф. 31. Сўз устаси. 32. Мукаммал луғат нашри. 41. Қарши шаҳрининг ўрта асрлардаги номи. 42. Марс сайёрасига учирилган космик кема. 43. Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи қаҳрамони. 44. Парранда аъзоси. 45. Ишқор хусусиятига эга бўлган кукунсимон модда. 46. Ёзувчи Миркарим Осим қаламига мансуб тарихий қисса. 47. Полиз экини. 48. Дуторсимон қадимий чолғу асбоби. 57. Миллий спорт. 58. Саноатлашган маскан. 59. Электр тармоғини мустаҳкамлашга ишлатиладиган чинни ғалтак. 60. Ҳосили қандолатчиликда ишлатиладиган тропик ўсимлик. 61. Қўрқмас. 62.Тараққиёт. 63. Юганнинг чарм тизгини. 64. Каспий денгизига қуюлувчи дарё.

**Бўйига**: 1. Миллий таом. 2. Ёзув қуроли. 3. Тўппонча тури. 4. Эмаллар ишлаб чиқаришда ишлатиладиган кимёвий модда. 5. Қуруқ мева. 6. Торли мусиқа асбоби. 7. Билим манбаи. 8. Коинот. 17. Фасл. 18. Наклий асар. 19. Ўзбекистон жанубидаги туман. 20. Атоқли ҳинд ёзувчиси. 21. Автомобиль қисми. 22. Китобдан олинадиган наф. 23. Бинокорлик ашёси. 24. «Ўтган кунлар» романи қаҳрамони. 33. Африкадаги давлат пойтахти. 34. Халқ термалари асосида айтиладиган қўшиқ. 35. Тансиқ таом. 36. Механик одам. 37. Турбинанинг айланадиган қисми. 38. Ҳал этиш учун берилган математик ифода. 39. Мусулмонлик фарзи. 40. Хўл мева. 49. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 50. Ахборот воситаси. 51. Гўзал. 52. Орасталик буюми. 53. Ўрта аср Эрон қомусий олими, табиб ва файласуф. 54. Жануб меваси. 55. Саноат корхонаси. 56. Ўрмон ҳудуди.

**Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ**

**Газетанинг шу йил 20 август сонида берилган «САЛОМАТЛИК» чайнвордининг жавоблари:**

1. Мижоз. 2. Зулук. 3. Кариес. 4. Спорт. 5. Темир. 6. Рентген. 7. Нафас. 8. Сано. 9. Оқсил. 10. Лактоза. 11. Аорта. 12. Асаб. 13. Бром. 14. Малҳам. 15. Мурч. 16. Чорток. 17. Қорачиқ. 18. Қоқирим.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар**: 1. Парҳез. 2. Кох. 3. Бодибилдинг. 4. Ўрик. 5. Мўмиё. 6. Қовоқ. 7. Сув.

**Ҳикмат: Давога бўлса умид қилмас асло зиён,**
**Биёбон кенг бўлса ҳам бор охир унга поён.**

## ҲАР КИМДА ҲАР ХАЁЛ

Хизмат юзасидан шаҳримиздаги Меҳрибонлик уйларидан бирида бўлганимизда бир воқеани айтиб беришганди. Мана, орадан анча вақт ўтдики, ҳамон у бизга тинчлик бермайди.

Икки дугона Моҳира ва Лола ёшлигидан бир-бирлари билан аҳил ва иноқ эди. Бир маҳаллада яшовчи бу икки қизалоқ бир мактабда, бир синфда ёнма-ён ўтириб ўқишди. Ўрта мактабни тугатгач, улар ўзлари ёқтирган олий ўқув юртларини танлашди. Моҳира санъат институтига, Лола педагогика институтига ҳужжатларини топширди. Мактабни аъло баҳолар билан битирган дугоналарга бахт кулиб боқди. Ҳар иккалови ўйлаган орзусига эришиб, талаба бўлишди.

Тўртинчи курсни битириш арафасида Моҳира ўзи ёқтирган йигитига турмушга чиқадиган бўлди. Лола дугонасига оилавий бахт тилади. Тўйда елиб-югуриб хизмат қилди.

Олий ўқув юртини битиргач Моҳира Тошкентда ишда қолди. Лола ишлаш учун узоқ вилоятлардан бирига жўнаб кетди. Шу туфайли дугоналар бир-бирлари билан кам учрашадиган бўлишди. Орадан икки йил ўтиб Лола магистратурада ўқишни давом эттириш учун Тошкентга қайтиб келди. Бу хушхабарни эшитиб Моҳира дугонасининг уйига чопди. Узоқ суҳбатдан сўнг оилавий сўроқлар бошланди.

— Ҳали ҳам турмушга чиқмадингми, дугонажон?

— Тенгимни топа олмадим. Бунинг устига иш билан бўлиб оилавий масалалар билан шуғулланишга қўлим тегмади.

— Вой тавба, шу ёшга чиқиб-а. Ахир ўзинг ҳақингда ҳозир ўйламасанг, қачон ўйлайсан, — дугонасининг бепарволигидан ранжиди Моҳира.

— Мени қўй, ўзингдан гапир. Қалай, Тоҳиржон яхшими? Ўғлинг Мурoджон ҳам катта бўлиб қолгандир?

— Вой, ҳали хабаринг йўқми? Тоҳиржон билан орани очди қилганимизга 6 ой бўлди.

— Нега, нимага? Ахир севиб турмуш қургандиларинг-ку?

— Қайнонам билан чиқишолмадик. Ё онангни дегин, ё мени десам, у онасини танлади. «Хотин топилади, она топилмайди», деди. «Бўпти», дедиму чиқдим-кетдим. Бошқа эрга тегаяпман. Росаям зўр, тагида машинаси бор, оти Баҳодир. Келаси ҳафта тўйимиз. Қара, худди истаганимдек тўйга етиб келибсан-а дугонажон.

— Ахир боланг бор-ку. Муроджонни нима қиласан?

— Боламни Меҳрибонлик уйига топширдим. Отасидан нима кўрдим, боласидан нима кўрардим.

Лола ўйланиб қолди. Шу топда аччиқ-аччиқ гапириб дугонасини узиб олгиси келди-ю, юз амри иссиқлик қилиб тилини тишлади. Моҳира унга мутлақо эътибор бермас, бир гапириб, ўн куларди.

Улар нохуш хайрлашишди. Лола Моҳиранинг қилмишидан росмана ранжиди. Шундай ақлли, хушли дугонасига нима бўлди, ўзи? Нима жин урди уни? Наҳотки оилавий масалага шунчалар енгилтаклик билан қараса. Она бўла туриб ўғлини, ўз жигарбандини кимларнингдир сўзига кириб ўзидан узоқлаштирса. Оналик меҳридан жудо этса.

Лола кечаси билан шулар ҳақида ўйлаб, хаёл сурди. Эртасига ўша Моҳира айтган Меҳрибонлик уйига борди. Муроджонни қидириб топди. Бир дўмбоқ, бир дўмбоқ бола бўптики, ҳавасинг келади. Моҳиранинг шундай болани қандай кўзи қийди экан бегоналар қўлига топширишга.

Лола олдида мўлтираб турган ўксик қалб боланинг бошини силади. Муроджон зўр-базўр ўзини тутиб турган экан, нотаниш аёлнинг меҳрибонлигидан кўнгли бўшаб, йиғлаб юборди. Улар узоқ суҳбатлашишди, диллашишди. Кейин бир қарорга келишди шекилли, Лола тарбиячилар ёнига борди.

— Негадир боланинг шашти паст. Бошқаларга қўшилмайди. Эрталабдан кечгача кўчага тикилгани-тикилган. Онасини соғинади чоғи.

— Шу болани мен олиб кетсам нима дейсизлар. Унга ўзим оналик қиламан.

— Бизга қолса жон деймиз. Ахир ёш бола бирор меҳрибони қўлида тарбия топса яхши-да. Лекин ўртада расмиятчиликлар ҳам бор. Агар шунақа ҳужжатларни тўлдириб, тегишли ташкилотлардан рухсат олсангиз биз розимиз.

Лола ўз сўзида турди. Елиб-югуриб барча ҳужжатларни расмийлаштирди. Болага оналик қилишга ваъда бериб, Муроджонни ўзи билан олиб кетди. Лекин бу сафар у ўз уйига қайтмади. Қайта ўқишдан воз кечиб, ота-онаси розилиги билан биринчи иш жойи, Қашқадарёга, ўзи яшаган кулбасига қайтиб кетди. Ҳар қалай бола онаси Моҳира кўзидан узоқроқда яшашини хоҳлади.

Моҳира эса дугонасининг қилмишидан бехабар тўйга келмагани-ю, уни янги оила билан табрикламаганидан хафа бўлди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ТЎҒРИ БЎЛ, БОЛАМ

Амир Темур майдони бекатидан Юнусобод—Бешёғоч йўналиши бўйлаб қатновчи 51-автобусга ўтирдик. Тушлик вақти бўлгани учунми, салон анча бўш, йўловчилар сийрак эди. Ҳайдовчи ёнида тик турган йигит билан ўзаро суҳбатлашмоқда. Ойлик йўл карточкаси йўқ йўловчилар чипта олиш учун у ёқ-бу ёққа аланглаб кондукторни қидиришади. У салонда кўринмайди.

Лекин машина ҳар бекатда тўхтаганида ҳайдовчи билан ҳамсуҳбат йигит дарҳол олдинги эшикдан пастга тушиб ўрта ва орқа эшикдан тушаётганлардан йўл ҳақи ундиришни бир зум унутмайди.

«Қозоғистон» кинотеатри бекатида биз ҳам машинадан тушдик. Бояги йигит қаршимиздан чиқиб тўхтатди.

— Сизнинг чиптангиз?

— Автобусда чиптачи йўқ бўлса, ҳеч ким чипта тарқатмаган бўлса, нимани кўрсатамиз?

— Нега чиптачи бўлмас экан, мана мен борман-ку.

— Унда нега салонда юриб, йўловчиларга чипта тарқатмайсан болам. Бизники ойлик йўл карточкаси.

— Кўрсатинг, — буйруқ оҳангида сўради чиптачи.

— Наҳот, биздек қарияларнинг ҳам сўзига ишонмасанг, — деймиз ойлик йўл карточкасини олиш учун ҳамёнимизни кавлаб.

— Ҳозир одамларга ишониб бўлмайди, бобо, кўзингга тикилиб туриб, алдашади.

Хуллас чиптачига ойлик йўл карточкамизни кўрсатдик. У ҳеч ким қилмаган қилиқни қилиб, уни қўлига олдида у ёқ-бу ёғини айлантириб кўрди, кейин қайтариб берди.

— Ҳа, тўғри эканми?

У индамай, бош қимирлатиб қўйди.

— Бировдан тўғриликни талаб қиладиган одамнинг ўзи ҳам тўғри бўлиши керак-да, болам, — дедик биз охирида унга.

Чиптачи индамай, эндигина жойидан қўзғалган машинага сакраб чиқиб олди.

Афсуски, ўша куни кўнгилчанлик қилиб машина рақамини ёзиб олишни унутибмиз. Нима бўлганда ҳам барибир гап эгасини топади-ку.

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилди.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

Буюртма Г-909. 1 2 3 4 6